

## ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ

### жисмоний шахсларнинг халқаро пластик картларини чиқариш ва хизмат кўрсатиш, МКХР очиш бўйича

“Ориент Финанс” ХАТБ, кейинги ўринларда Банк деб аталувчи, бир томондан, ҳамда мазкур Жисмоний шахсларнинг халқаро банк карталарини чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича Қўшилиш шартномасини шартномага қўшилиш тўғрисида Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) бериш орқали қабул қилиш истагини билдирувчи Жисмоний шахс, кейинги ўринларда Карта эгаси деб аталувчи, иккинчи томондан қуидаги келишувга розилик билдирилар:

#### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартнома Карта эгасининг хорижий ва миллий валютадаги МКХРини юритиш ва унга хизмат кўрсатишнинг стандарт (наъмунавий) шартлари, Карта ва/ёки уни реквизитларини тақдим этиш ва ундан фойдаланиб МКХР бўйича операцияларни мазкур шартнома ва унинг иловаларига мувофиқ амалга ошириш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида белгиланган тартибда Карта эгасининг Шартномага қўшилиш шаклида тузилади.

1.3. Карта эгаси томонидан Аризани тўлдирилиши ва имзоланиши Карта эгасининг Шартноманинг шартларини тўлиқ ва ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди. Аризани имзолаш вақтида Карта эгаси томонидан Шартнома шартларини ўзгартириш учун қўйилган ҳар қандай қўшимча шартлар юридик кучга эга эмас.

1.4. Шартнома, жумладан Банк Қоидалари ва Тарифлар (амалдаги таҳрири) билан Карта эгасини танишириб чиқиш мақсадида уларнинг матни Банк филиали (офиси)нинг ахборот девори ва Банкнинг корпоратив сайти [ofb.uz](http://ofb.uz) да жойлаштирилади, шунингдек Банк масъул ходимининг иш столида мавжуд бўлади.

1.5. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдан аввал Карта эгасига Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи берилади. Карта эгаси Шартнома матнининг чоп этилган бир нусҳасини олиш ҳуқуқига эга. Банк Қоидалари матни Карта эгасига Карта билан биргалиқда тақдим этилади.

1.6. Агар Карта эгасига мазкур шартнома таркибиға кирмайдиган, Банк ва Мижоз ўртасида аввал тузилган шартномага мувофиқ Карта чиқарилган бўлиб, картани қайта чиқаришга берилган аризага мувофиқ Картани қайта чиқариш амалга оширилаётган бўлса, Карта эгаси аввал тузилган шартнома мазкур шартномага мувофиқ янги таҳрирда тузилишига розилигини англатади ва унинг шартлари Карта қайта чиқарилган санадан бошлаб амал қиласи.

Бундай ҳолларда Томонлар Карта қайта чиқарилган пайтдан бошлаб Банк ва Мижоз ўртасида аввал тузилган шартнома ўз кучини йўқотишига розилик билдирадилар ва буни тасдиқлайдилар.

1.7. Шартномани имзолаш учун Карта эгаси мазкур шартноманинг 1-сонли Иловасида белгиланган шаклда 2-та нусҳада имзоланган Аризани Банкка тақдим этади. Аризага Картани чиқариш ва МКХР очиш учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилинади. Шартнома Банк томонидан Аризага унинг қабул қилинганлиги ҳақида банк белгиси қўйилган пайтдан бошлаб имзоланган ҳисобланади.

#### 2. ТУШУНЧА ВА ТЕРМИНЛАР

2.1. **Банк** – “Ориент Финанс” ХАТБ

2.2. **Шартнома** - Қуидаги ҳужжатлар мажмуи: халқаро пластик карта бериш ва хизмат кўрсатиш, МКХР очиш шартларини ўз ичига олган мазкур шартнома; Картадан

фойдаланиш қоидалари; жисмоний шахслар учун халқаро пластик карталари бериш ва хизмат кўрсатиш/МКХР очиш шартномасига қўшилиш учун Ариза; картани қайта чиқариш учун Ариза (бундай баёнотлар шартноманинг ажралмас қисмлари ҳисобланади).

**2.3. Карта (халқаро пластик карта)** - Электрон терминаллар, банкомат ва алоқа каналлари орқали товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, нақд пул олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш воситаси.

**2.4. Карта эгаси** - Шартнома шартларини унга қўшилиш йўли билан қабул қилган, унинг номи билан МКХР очилган ва карта ёрдамида операцияларни амалга оширувчи жисмоний шахс.

**2.5. ПИН код** - Электрон курилмалар орқали карта операцияларини амалга оширишда карточка эгасини аниқлаш учун ишлатиладиган шахсий идентификация рақами.

**2.6. Халқаро тўлов тизимлари (ХТТ)** - MasterCard, VISA ва China UnionPay – халқаро тўлов тизимлари.

**2.7. ХТТ Қоидалари** - Тизимнинг ишлашини, тўловларни амалга оширишни, низоларни ҳал қилишни, тўлов тизимида иштирок этиш шартларини, ахборот хавфсизлиги талабларини ва бошқа қоидаларни белгилайдиган ХТТ қоидалари ва тартиботлари мажмуи.

**2.8. Банк Қоидалари** - Картадан фойдаланиш қоидалари. Қоидалар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади (ушбу шартномага 1—сонли Илова).

**2.9. Процессинг тизими** - Карта ёрдамида операцияларни амалга ошириш, операциялар ҳисобини юритиш, банк карталаридан фойдаланиш шартларини аниқлаш, шунингдек ХТТ ва бошқа тўлов тизимлари аъзолари билан ҳисоб китобларни амалга ошириш имконини берувчи Банк процессинг марказининг дастурний-техник мажмуаси.

**2.10. Maxsus карточка ҳисобварағи (МКХР)** - Карта ёки унинг деталлари ёрдамида Карта эгасининг амалга оширган операцияларини акс еттирувчи Банк томонидан очилган банк ҳисобварағи.

**2.11. Томонлар** - Банк, Карта эгаси.

**2.12. Тарифлар** - Банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган кўрсатилган хизматлар учун банк томонидан ундириладиган ҳақ ва бошқа тўловлар рўйхати.

**2.13. Техник (рухсатсиз, беруҳсат) овердрафт** - Карта эгаси томонидан Картадан фойдаланган ҳолда МКХРдаги ижобий қолдик пул маблағларидан ортиқ суммага операцияларни амалга ошириш ва бундай операциялар бўйича ҳисоб китоб қилиш натижасида юзага келадиган МКХР бўйича дебет сальдоси. Техник овердрафт рухсациз тўловлар, валюта конвертациясидан курс фарқлари, комиссиян тўловларни тўлаш ва бошқа ҳолларда юзага келади.

**2.14. Код сўзи** - Карта эгасини телефон орқали Банкка мурожаат қилганда уни идентификаци қилиш имконини берувчи жисмоний шахсларнинг халқаро пластик карточкаларини чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш/МКХР очиш тўғрисидаги шартномасига қўшилиш Аризасида кўрсатилган рақамли ва / ёки ҳарфли коди (пароли).

**2.15. Жисмоний шахсларнинг халқаро валютадаги банк картларини чиқариш ва хизмат кўрсатиш/МКХР очиш тўғрисидаги шартномага қўшилиш бўйича Ариза (Кейинги ўринларда - Ариза)** – Карта эгасининг жисмоний шахсларнинг халқаро валютадаги банк картларини чиқариш ва хизмат кўрсатиш/МКХР очиш тўғрисидаги шартномага қўшилишга хоши билдирганлигини акс эттирувчи хужжат (Мазкур шартномага 2-сонли Илова).

**2.16. Камаймайдиган қолдик** - ушбу шартноманинг бутун даври учун карточка эгаси (МКХР бўйича маблағларнинг ҳаракатсиз қисми) фойдаланиб бўлмайдиган МКХР эгасининг маблағлар суммаси.

**2.17. 3-D Secure** - Интернетда тўловларни амалга оширишда ХТТларининг тўлов карталаридан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш технологияси.

**2.18. CVV (CVC) код** - Интернетда тўловларни амалга оширишда унинг ҳақиқийлигини текшириш учун ишлатиладиган махсус банк картаси коди.

**2.19. Слип** - Карта ёрдамида операцияни амалга оширганликни тасдиқловчи ва операция суммаси, тури операция амалга оширилган сана тўғрисида маълумотни ўз ичига олган Карта, Терминал ёки банкоматни аниқ идентификациялаш имконини берувчи, терминал ёки банкомат чиқарган квитанция.

**2.20. Фармойиш** - электрон тўлов воситаси ёки масофадан хизмат кўрсатиш тизими (МХК) дан фойдаланганда эгасининг розилигини ифодаловчи тўловни амалга ошириш тўғрисида банкка берган топшириғи.

**2.21. Тўлов** - пул мажбуриятини нақд пулда бажариш ёки пул маблағларини тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш.

**2.22. Тўлов инструменти** – унга асосан ёки ундан фойдаланган ҳолда тўловни амалга ошириш учун электрон тўлов воситаси.

**2.23. Mastercard World Elite Премиум картаси** – Карта Эгасига мазкур шартноманинг 7-бўлимида назарда тутилган қўшимча имтиёзларни тақдим этувчи халқаро тўлов картаси.

**2.24. Халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар** (кейинги ўринларда “Санкциялар”) – муайян давлат ёки давлатлар гурухи томонидан маълум бир давлат ва унинг фуқароларига нисбатан қўлланилган тақиқловчи характерга эга бўлган иқтисодий чоралар.

**2.25. Санкцияларни четлаб ўтиш** – карта эгасининг ҳукумат ёки халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукумати томонидан ўрнатилган чекловларни четлаб ўтиш мақсадида транзакция тафсилотларига ҳуқуқий мақом бериш йўли билан муайян операцияларни била туриб амалга оширишга қаратилган ҳаракати.

### **3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**3.1.** Аризага мувофиқ Банк Мижозга карта чиқаради ва тақдим этади, унинг номига МКХР очади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, ушбу шартномага, Банк қоидаларига, ХТТ қоидаларига ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ МКХР ва Картага банк хизматларини кўрсатади. Банк Карта эгасини идентификация қилиш шарти билан МКХР очиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Карта эгаси томонидан тақдим этилган тақдирдагина МКХР очади.

**3.2.** Банк қуйидаги банк карталарини чиқаради ва уларга хизмат кўрсатади:

- MasterCard;
- VISA;
- China UnionPay

**3.3.** Картани чиқарганлик, МРК га хизмат кўрсатганлик, МКХР бўйича операцияларни оширганлик учун Банк Карта эгасидан амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ ҳақ ундиради.

**3.4.** Карта банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун топширилади. Банк ўз хоҳишига кўра ва ҳеч қандай сабаблар кўрсатмасдан, Аризада кўрсатилган телефон орқали ва/ёки банкка шахсан мурожаат қилиб ва/ёки СМС-хабарлар юбориб, эгасига картани беришни (қайта чиқаришни) ва/ёки беришни рад этиши мумкин.

**3.5.** Карта эгаси томонидан фойдаланилаётган картанинг амал қилиш муддати тугагач, Карта эгасининг ёзма аризаси асосида кейинги муддатга фойдаланиш учун янги карта тақдим этилиши мумкин.

### **4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **4.1. Карта эгаси қуйидаги мажбуриятларга эга:**

**4.1.1.** МКХР очиш ва картани олиш учун, банкка шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ва ариза тақдим этиш;

4.1.2. Ариза топширишдан олдин ушбу шартнома шартлари, банк қоидалари ва банкнинг жорий тарифлари билан танишиш;

4.1.3. Картани амалдаги қонунчиликка, шунингдек ХТТ қоидалари, шартнома ва банк қоидаларига мувофиқ қабул қилиш ва удан фойдаланиш ҳамда МКХР бўйича амалга оширилган барча операциялар учун жавобгар бўлиш;

4.1.4. Аризада кўрсатилган маълумотлар (Ф.И.Ш, яшаш ва рўйхатдан ўтган манзили, эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, телефон рақамлари ва бошқа тафсилотлар) ўзгарганда, бундай ўзгаришлар бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida Банкни ёзма равишда хабардор қилиш. Ушбу бандда кўрсатилган маълумотларни банкка тақдим этмаслик ёки кечикириш натижасида юзага келган барча хавфт-хатарлар учун мулқдор жавобгар бўлади;

4.1.5. Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ комиссиялар, фоизлар ва жарималарни ўз вақтида Банкка тўлаш. Агар Банкнинг тарифларида абонент тўлови (ойлик ёки йиллик) белгиланган бўлса, абонент тўлови олдиндан ундирилади;

4.1.6. Картани учинчи шахслар фойдаланиши ва ихтиёрига топширмаслик, Картанинг ПИН-коди ва реквизитлари ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

4.1.7. “СМС-банкинг” хизмати ва/ёки банкнинг мобил иловаси ўрнатилган мобил telefon рақамини учинчи шахслар томонидан ишлатилиша йўл йўқмаслик;

4.1.8. “СМС-банкинг” хизмати уланган ва/ёки банкнинг мобил иловаси ўрнатилган мобил телефон рақамидан фойдаланиш тўхтатилганлиги ҳақида банкга хабар бериш;

4.1.9. Рухсатсиз кириш, ёки Карта/МКХРдан рухсатсиз фойдаланиш бўйича шубҳа туғилганда, улар орқали рухсатсиз операциялар амалга оширилганда, дарҳол Банкни хабардор қилиш ва Картани блоклаш бўйича чоралар кўриш;

4.1.10. Агар фирибгарлик операцияларини амалга оширишни бартараф этиш мақсадида Банқда тегишли ёзма ёки СМС-хабар орқали хабарнома олганда, картадан фойдаланишни тўхтатиш;

4.1.11. Фирибгарлик холатларини олдини олиш мақсадида СМС орқали келган кодларни (логинлар, пароллар ва бошқа шахсий маълумотлар) учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.

4.1.12. Картани қабул қилганда дарҳол орқа томонидаги имзо майдончасини имзолаш;

4.1.13. МКХРга хато тарзда кирим қилинган, шунингдек МКХРни нотўғри юритиш натижасида кирим қилинган пул маблағларини зудлик билан тўлиқ ҳажмда Банкка қайтариш;

4.1.14. Хорижий мамлакатларга сафарга чиққанда, пластик карталар бўйича фирибгарлик хавфи юқори бўлган мамлакатлар рўйхати билан танишиб чиқиш;

4.1.15. Агар интернет орқали карта ёрдамида тўловни амалга оширган ҳолда буюртма қилинган маҳсулот/хизматни сотиб олишдан бош торсангиз, тўланган пулни нақд пулсиз тарзда ҳисобвараққа кирим қилиш (нақд пулда қайтарилилмайди) йўли билан қайтарилишини талаб қилиш;

4.1.16. Карта реквизитлари ва CVV-код махфийлигини сақлаб қолиш учун оқилона чоралар кўриш, картанинг CVV-коди ва 3D Secure паролини учинчи шахсларга ошкор қилмаслик/бермаслик;

4.1.17. МКХР бўйича ижобий баланс доирасида операцияларни амалга ошириш. Агар техник овердрафт юзага келса, техник овердрафт юзага келган кундан бошлаб 14 календар кун ичida уни тўлаш;

4.1.18. МКХР бўйича операцияларни мустақил назорат қилиш, тўлов инструменти (терминал, импринтер, банкомат ва бошқа курилма)да шакллантирилган чекларни сақлаш. Карта ёрдамида амалга оширилган барча операциялар учун жавобгар бўлиш;

4.1.19. Карта рақами блокка қўйилган ёки Стоп-лист рўйхатига жойлаштирилгангунига қадар учинчи шахслар томонидан йўқотилган карта бўйича

амалга оширилган барча операциялар натижасида юзага келган Банк ҳаражатларини қоплаш;

4.1.20. Карта йўқолган ёки ўғирланган тақдирда, шунингдек ПИН коди учинчи шахсга маълум бўлган ҳолларда, зудлик билан картани блокка қўйиш мақсадида Карта эгаси дарҳол Банкни телефон, жумладан Алоқа-маркази орқали хабардор қилиши керак, бунда Карта эгаси ўзини Аризада кўрсатилган код сўзи орқали таништириши (идентификациялаш) керак. Баён этилган воқеаларни З банк иш куни ичida карточкани берган эмитент банкнинг филиалида оғзаки аризани ёзма равища тасдиқлаш. Агар ёзма равища тасдиқлаш банкнинг эмитент филиалига келишилган муддатда тақдим этилмаган бўлса, банк картани блокдан чиқариш ҳуқуқига эга;

4.1.21. Картани унинг амал қилиш муддати тугаганидан, шартнома бекор қилингандан сўнг, шунингдек, карта шикастланган ёки механик зарар кўрган ёки илгари ўйқотилганлиги эълон қилинган карта топилган тақдирда Банкка қайтариш;

4.1.22. Картадан ноқонуний фойдаланишини бартараф этиш билан боғлиқ Банкнинг ҳақиқатда қилган ҳаражатлари, шунингжек ушбу шартнома шартлари Карта эгаси томонидан бузилиши натижасида Банкнинг йўқотишларини қоплаш;

4.1.23. Савдо нуқтаси томонидан карта ёрдамида сотиб олинган ҳарид тўлови пул маблағлари қайтарилган тақдирда, савдо нуқтасидан нақд пул шаклида қайтарилишини талаб қилмаслик. Кўрсатилган пул маблағларини қайтариш фақат нақд пулсиз шаклда МКҲРга кирим қилиш орқали амалга оширилиши мумкин;

4.1.24. МКҲРга нотўғри кирим қилинган пул маблағлари ишлатиб юборилган тақдирда, уларни 5 иш куни ичida Банкка қайтариш;

4.1.25. Мустақил равища солиқ органлари билан барча ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

4.1.26. Банқдан мазкур шартнома бекор қилиниши бўйича ёзма хабарнома олгандан сўнг, 10 календар куни ичida Карта эгаси учун мазкур шартнома бўйича чиқарилган барча карталарни Банкка қайтариш;

4.1.27. Шартномага киритилган ўзгартиришлар, банк қоидалари, шунингдек банк тарифлари тўғрисида маълумот олиш учун банкка мурожаат қилиш ва банк расмий сайтида ҳар ойда камида бир марта тегишли маълумотлар мавжудлигини текшириш;

4.1.28. Карта эгаси СЛИП ва чеклар, ҳамда бошқа ҳужжатларни МКҲРдаги пул маблағлари ҳаражатлари ҳисобини юритиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш учун сақлаб қўйиши лозим.

## **4.2. Банк қуийдаги мажбуриятларга эга:**

4.2.1. Карта эгасидан Ариза қабул қилингандан сўнг, унга З иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, агар бундай Ариза Банкнинг минтақада (вилоятлар) жойлашган таркибий бўлинмалари орқали қабул қилинган бўлса бу муддат 10 иш кунидан ошмаган муддатда, МКҲР очиш ва Карта орқали операцияларни амалга оширишда фойдаланиш учун Карта тақдим этиши лозим;

4.2.2. Карта эгасига туну-кун давомида Карта йўқолганлиги ва/ёки Картадан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисида хабарнома йўллаш имкониятини яратиш;

4.2.3. Карта йўқолганлиги, ўғирланганлиги ва/ёки картадан рухсатсиз фойдаланилиши тўғрисида аризасига мувофиқ Картани блокка қўйиш;

4.2.4. Карта эгасини Картадан фойдаланиш қоидалари ва Банкнинг амалдаги Тарифлари билан таништириш;

4.2.5. Карта эгасини Картадан фойдаланиш шартлари ва ундан фойдаланишда хавфсизлик чоаралир, даъво киритиш ва мазкур шартнома шартлари билан таништириш йўли билан уни кўриб чиқиш тартиби ҳақида хабардор қилиш, шунингдек Банк картасидан фойдаланиш қоидалари матнини тақдим этиш;

4.2.6. МКҲРдаги қолдиқ маблағлари миқдорида Картадан фойдаланган ҳолда бажарилган операциялар бўйича ҳисоб-китобни амалга оширилишини таъминлаш;

4.2.7. Лозим даражада расмийлаштирилган тўлов хужжатларини олган пайтдан бошлаб 3 банк иш куни ичida Карта эгаси фойдасига келиб тушган пул маблағларини МКХРга кирим қилиш;

4.2.8. Карта эгасини Банк Тарифлари ва Қоидаларига киритлган барча ўзгаришлар тўғрисидаги Банкнинг филиал ва бўлимларида, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайти - [www.ofb.uz](http://www.ofb.uz) маълумотларни жойлаштириш йўли билан хабардор қилиш ;

4.2.9. Карта эгасига тегишли банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ сир сақланишини кафолатлаш;

4.2.10. Шартнома бекор қилинган (МКХР ёпилган) тақдирда Карта эгасига Картадан фойдаланиш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар тўлиқ тугаллангандан, шунингдек Шартнома бўйича барча мажбурияталар бажарилгандан сўнг Қартадаги қолдиқ пул маблағларини қайтариш. Бу ҳолда, Банк картаси банкка қайтарилиган ва/ёки қайтарилимаган Картани локал (халқаро) стоп-листга киритилган пайтдан бошлаб 30 календар куни ўтгандан кейин қолдиқ пул маблағлари қайтариб берилади.

4.2.11. Карта эгасининг талабига кўра МКХР бўйича кўчирма бериш орқали Картадан фойдаланиш билан боғлиқ ҳужжат ва маълумотларни бериш

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

### 5.1. Карта эгаси қуидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Бевосита банкка мурожаат қилиб, МКХР бўйича кўчирмани олиш (агар амалдаги Тариф бўйича хизмат учун ҳақ тўланган бўлса).

5.1.2. МКХРдаги маблағландан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ эркин тасарруф этиш

5.1.3. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ Картадан фойдаланган ҳолда МКХРдаги қолдиқ пул маблағлари доирасида товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, банкоматларда нақл пул маблағларини ечиш

5.1.4. Нақд пул ва нақд пулсиз шаклда маблағларни МКХРга кирим қилиш

5.1.5. Берилган кўчирмадан норози бўлгандан ёки амалга оширилган операциялар бўйича низоли ҳолатлар юзага келганда Банкка ёзма равишда шикоят тақдим этиш

5.1.6. Карта йўқотилганда (ўғирланганда) ёки амал қилиш муддати тугаган тақдирда Картани қайта чиқариш учун Банкка тегишли ариза билан мурожаат қилиш

5.1.7. Банкка тегишли ёзма ариза бериш орқали Картани тўхтатиб қўйиш (блоклаш) ёки унинг амал қилиш муддатини, ёки МКХР бўйича операцияларни амалга оширишни тўхтатиш, ёки шартномани олдиндан бекор қилиш

### 5.2. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга

5.2.1. Карта эгаси карта ёрдами амалга оширилган операциялар бўйича тўловни амалга ошириш мажбуриятларини бажариш учун Тарифларга мувофиқ МКХР бўйича камаймайдиган қолдиқ ўрнатиш

5.2.2. Карта ёрдамида операциялар бўйича чеклов ўрнатиш ва чекловларни ўзгартириш. Банк ўз ихтиёрига кўра исталган вақтда картадан фойдаланган ҳолда операциялар, хизмат ва фуқнциялар мажмуини ўзгартириш

5.2.3. Карта эгаси ариза берилган пайтдан бошлаб 6 (олти) ойдан ортиқ муддат давомида Картани олиш учун Банкка келмаса, Картани ҳақиқий эмас деб топиш ва картага хизмат кўрсатиш учун тўланган ҳақ миқдорини қайтариб бермаслик

5.2.4. Шартнома шартлари, Тарифлар ва Банкнинг Картадан фойдаланиш қоидаларига ўзгартишларни Банкнинг таркибий бўлинмаларидағи ахборот деворларига ва/ёки Банкнинг Интернет тармоғидаги веб-сайтига тегишли маълумотларни жойлаштириш йўли билан Карта эгасини мазкур ўзгаришлар кучга киришидан 10 календар кундан аввал хабардор қилган ҳолда киритиш

5.2.5. Карта эгасидан олинган хабарномага ёки Карта эгаси Картадан фойдаланиш тартиби, шартнома шартлари бузилганлиги ва Картадан фойдаланиш

қоидаларини бузганда ўз ташаббуси билан, шунингдек Банк томонидан Картадан фойдаланган ҳолда ноқонуний операциялар аниқланганда (ёки шубҳа туғилганда), Карта эгаси томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончсиз бўлганда Картадан фирибгарлик мақсадида фойдаланишни бартараф қилиш учун Карта ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш

5.2.6. Техник овердрафт юзага келган тақдирда карта(лар) ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб операцияларни амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш, Карта эгаси Банк олдидағи қарздорлигини қоплагандан сўнг қайта ишга туширилади

5.2.7. Амалдаги қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда карта(лар) ва/ёки унинг реквизитлари ёрдамида операцияларни бекор қилиш ёки чеклаш.

5.2.8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш мақсадида Карта эгасидан МКҲР бўйича амалга оширилган операциялар билан боғлиқ хужжатларни олиш.

5.2.9. Карта эгасига берилган реквизитлар бўйича ахборот СМС хабарларини юбориш.

5.2.10. Карта эгаси томонидан ушбу шартнома талаблари бузилган тақдирда, Банк томонидан бир томонлама тузилган шартномани бекор қилиш ва картани блоклаш.

5.2.11. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан мижозлар томонидан республика банкларидаги ҳисобваракларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда банк томонидан шартнома шартларига бир томонлама ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш.

## **6. МКҲР БЎЙИЧА КОМПЛАЕНС ЧОРАЛАР**

6.1. Карта эгаси ҳисобрақам очишда қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

6.1.1. Шартнома бўйича Банк ўзининг бошқа ҳукуқларига қўшимча равишда Карта эгасининг транзакцияларини амалга оширишни кечикириши ва қўшимча равишда текшириш ҳукуқига эгалигини карта эгаси тан олади;

6.1.2. Банк амалга оширилаётган транзакцияни (пул маблағларининг келиб чиқиш манбаси, транзакциянинг қонунийлиги ва асослилиги ва бошқалар) тўлиқ ўрганиш учун Карта эгасига сўровнома юборишга ҳақли, ўз навбатида Карта эгаси қисқа муддат ичida барча маълумот ва хужжатларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

6.1.3. Банк амалга оширилаётган транзакциялар жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки иқтисодий санкциялар билан боғлиқ қонун ва қоидаларни бузиши мумкинлигини белгилайди.

6.2. Банк қуйидаги ҳолатларда Карта эгаси томонидан амалга оширилаётган транзакцияни тўхтатиб қўяди (рад этади):

6.2.1. агар Карта эгасининг транзакцияси Банк томонидан қўшимча ўрганилиши учун зарурат юзага келганда;

6.2.2. агар Карта эгасининг транзакцияси халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар доирасига кирса;

6.2.3. агар Карта эгаси транзакцияси санкцияларни четлаб ўтиш мақсадида амалга оширилган бўлса;

6.2.4. агар транзакция Банкнинг фикрига кўра шубҳали деб ҳисобланса ва/ёки ҳукумат, халқаро иқтисодий ва молиявий санкцияларни четлаб ўтиш белгиларига эга бўлса.

6.3. Агар Карта эгаси томонидан амалга ошиralаётган транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва Банкнинг ички қоидаларини бузмаётганлиги Банк томонидан белгиланса, шунингдек мазкур транзакциялар иқтисодий санкцияларга тушмаса (уларни четлаб ўтиш йўллари бўлмаса), Банк транзакцияларни амалга ошириш учун аввал ўрнатилган вақтинчалиқ чекловни бекор қилади.

6.4. Агар Мижозга ҳисоб рақам очишда ҳамда ҳисоб рақам орқали амалга оширилиши кўзда тутилган операциялар оқибатида Банкка нисатан иқтисодий санциялар қўлланиш хавфи юзага келган тақдирда Банк Мижозга ҳисоб рақам очишини ва операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.

6.5. Агар Банк томонидан Карта эгасининг ҳисоб рақами ноқонуний транзакцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётганлиги ёки фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, шунингдек мазкур транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк ички қоидалари, ҳамда даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қонунчилигини бузса, шунингдек иқтисодий санctionяларга тушиб қолса, Банк мазкур транзакцияни бир томонлама тўхтатиб қўйиш ва Карта эгаси манзилиги хабарнома жўнатиб, ҳисобрақамига банд солиш ҳуқуқига эга.

6.6. Карта эгасининг ҳисоб рақамига Банк томонидан банд солингандан сўнг 30 календар кун ичida Карта эгаси ҳисоб рақамни ёпиш ва шартномани бекор қилиш бўйича Банкка ариза топшириши керак.

6.7. Карта эгаси банк ҳисоб рақами очиш жараёнида тақдим этилган манзилга Шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш юборилган санадан 30 календар кун ўтгандан сўнг Шартнома бекор қилинган деб топилади, бунда Карта эгаси томонидан банк ҳисоб рақамини ёпишга ариза топширилиши таълаб этилмайди.

## **7. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ**

7.1. Карта эгасига очилган МКХР ҳорижий валютада (АҚШ доллари) ёки миллӣй валютада юритилади.

7.2. Банк МКХРга хизмат кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ХТТ қоидалари, ушбу шартнома шартлари, банк картасидан фойдаланиш қоидалари ва банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

7.3. МКХР ҳисобини тўлдириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нақд пул ёки нақд пулсиз тўлов йўли билан амалга оширилади.

7.4. Агар Тарифларда бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса, МКХРдаги ҳар кунлик қолдиқ пул маблағларига фоизлар ҳисобланмайди.

7.5. Картани чиқариш/қайта чиқариш ва Карта/МКХРнинг амал қилиш муддати давомида унга хизмат кўрсатилганлиги учун Карта эгаси амалдаги Тарифларга мувофиқ ҳақ тўлайди.

7.6. Агар карта бўйича амалга оширилаётган операция валютаси МКХР валютасидан фарқ қилса, маблағлар операция амалга оширилаётган кунда ёки операция (транзакция)нинг молиявий тасдиқланиш келиб тушган санада амалда бўлган ХТТ курси бўйича МКХР валютасига конвертация қилинади.

7.7. Карта эгаси Банкка амалдаги қонунчиликка, мазкур шартнома шартлари, амалдаги Тарифларга мувофиқ Карта/МКХР бўйича амалга оширилган барча операциялар бўйича Банк олдида юзага келган банк комиссиялари, қарздорлик, жарима, Техник овердрафт суммаси ва бошқа суммаларни Карта эасининг МКХРда сақланаётган пул маблағлари ҳисобидан шартсиз ва чақириб олинмайдиган тарзда Карта эгасининг розилиги ва қўшимча топшириғисиз ечиб олиш ҳуқуқини беради ва бунга ўз розилигини (олдиндан олинган акцепт) билдиради.

7.8. МКХР бўйича тўловлар Карта эгасининг идентификация воситалари орқали тасдиқланган розилиги асосида карта ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Тўловларни амалга оширишда Карта эгасининг розилигини олиш ва тасдиқлаш тартиби ва усуслари:

- Карта эгаси тўловни амалга ошириш учун Карта ПИН-кодини теради ва/ки унинг реквизитларидан фойдаланади

- Муаллифлаштириш (авторизация) тартиботи ўтказилади

- Банк Карта эгаси олдиндан берган акцептга асосан тўловларни МКХР ҳисобидан пул маблағларини чиқариш орқали амалга оширади

7.9. Банк Карта эгасининг МКХРидан қуидаги маблағларни унинг топшириғисиз ва розилигисиз ечиб олади:

- Картаси (карталар) ва/ёки реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган операция суммаларини;
- МКХРга хизмат кўрсатилганлик учун ҳақларни (фоизлар, жарима, ҳаражат ва бошқа тўловлар);
- Агар Банк Тарифларида абонент тўлови (ҳар ойлик ёки йиллик) назарда тутилган бўлса, абонент тўловини бўнак сифатида;
- Техник овердрафт суммаси;
- Банк ёки учинчи шахслар айби билан МКХРга нотўғри кирим қилинган суммалар;
- Мазкур шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва шартларда мазкур шартнома ҳамда Банк ва карта эгаси ўртасида тузилган бошқа шартномалар бўйича Банк олдиаги қарздорлик суммаси, шунингдек қарздорликни ундириш билан боғлик бўлган Банк ҳаражатлар ва жарималар суммаси, ҳамда Карта эгасининг бошқа пул мажбуриятлари;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ундириладиган суммалар, шу жумладан тегишли давлат органларининг қарори билан ундириш лозим бўлган суммалар;
- ижро ҳужжатлари бўйича ундириладиган суммалар;
- Амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк билан Карта эгаси ўртасида тузилган шартномалар талабларига мувофиқ бошқа суммалар.

Агар ушбу шартномада кўрсатилган суммаларни ундириш учун пул маблағлари бўлмаса ёки етарли бўлмаса, Карта эгасининг Банқда очилган ҳар қандай ҳисобварағидан ундириб олинади. Бу ҳолда Банк Карта эгасининг МКХРда сақланаётган пул маблағларини (миллий ва хорижий валютада) Банк олдида юзага келган қарздорлик суммасини қоплаш учун етарли бўлган миқдорда мустақил равишда ечиб олади.

## **8. “MASTERCARD WORLD ELITE” ПРЕМИУМ КАРТАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ МИЖОЗЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИШ ШАРТЛАРИ**

8.1. Мазкур бўлимда назарда тутилган шартлар ва имтиёзлар фақат MasterCard World Elite премиум карта Эгаларига татбиқ этилади/қўлланилади.

8.2. Банк “MasterCard World Elite” премиум картасини ишлатиш шартлари ва бошқа маълумотларини [www.ofb.uz](http://www.ofb.uz) сайтида жойлаштиради.

8.3. Премиум картанинг афзалликлари ва ундан фойдаланиш шартлари:

- бутун дунё бўйлаб ҳамкорлар томонидан чегирмалар ва эксклюзив таклифлар тақдим этилади;

- Консьерж-хизмати – 24/7 режимида бутун дунё бўйлаб турли хил хизматларни (мехмонхона, ресторонларни бронлаш, авиачипталарни сотиб олиш ва бошқалар) олиш ва ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатиш. Консьерж (<https://app.konsierge.com/lite.html>) чат-боти 4 та мессенджернинг бирида (WhatsApp, Telegram, Viber, Facebook) 24/7 режимида (дам олиш кунларисиз ва байрам кунларисиз) фаолият юритади.

- MasterCard Airport Experiences (Loungekey) – бутун дунё бўйлаб халқаро аэропортларнинг бизнес-залларига устивор кириш имконияти, шунингдек аэропортларда жойлашган duty-free ва дўйонларда, ресторанларда тақдим этиладиган маҳсус таклиф ва чегирмалар. Аниқ бир аэропортдаги мавжуд бизнес-залларни ва таклифларни [www.loungekey.com/orientfinansbank](http://www.loungekey.com/orientfinansbank) ҳаволаси орқали ёки Loungekey мобил иловаси орқали текшириб кўриш мумкин. Бир йил давомида мазкур карта эгаларига 2

(икки) марта бизнес-залларига бепул кириш имкони тақдим этилади. Кейинги киришлар учун алоҳида тўлов ундирилади.

- Европа мамлакатларида (Молдова, Руминия, Чехия, Венгрия, Австрия, Украина ва бошқалар) MasterCard бизнес залларига қулайликлар билан кириш имконияти.

- Бир йил давомида 15 кун давомида саёҳат учун 100 000 Евро миқдоридаги суғурта хизмати (суғуртани расмийлаштириш учун хизмат кўрсатувчи банк ходимига аввалдан мурожаат этиш лозим).

8.4.“MasterCard World Elite” премиум картаси бўйича амалдаги чегирма ва таклифларни хизмат кўрсатувчи банк ходимидан ёки [www.ofb.uz](http://www.ofb.uz) сайтидан олиш мумкин.

8.5. 8.2-бандда келтириб ўтилган таклиф ва дастурларни учинчи томонлар етказиб берадилар (кейинги ўринларда – хизматларни етказиб берувчилар). Мазкур жараёнда банк ўртадаги томон сифатида қатнашади ва тегишли хизмат ва унинг сифатига жавоб бермайди.

8.6. 8.2-бандда келтириб ўтилган таклиф ва дастурлар бўйича Мижознинг эътирози юзага келган тақдирда, Мижоз Банкка ёзма равишда мурожаат этади ҳамда Банк хизматларни етказиб берувчилар билан ҳамкорликда мурожаатни кўриб чиқади. Бундай ҳолатларда Банк ўртадаги томон сифатида иштирок этади ва натижаси бўйича жавобгарликни олмайди.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар шртнома шартларини бузганлик учун қонунчилик ва ушбу шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

9.2. Карта эгаси Банкка ишончли(ҳақиқий) бўлмаган маълумот берганлиги учун жавобгар бўлади.

Карта эгаси Карта ва/ёки ундаги маълумотлардан учинчи шахслар фойдаланиши (жумладан Интернет тармоғида операциларни амалга ошириш ва маълумотларни узатиш), Карта эгаси қасддан ёки Банкнинг картадан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда эҳтиётсизлиги натижасида амалга оширилган операциялар ва уларнинг оқибатлари учун моддий жавобгар бўладилар.

Карта йўқотилган (йўқолган ёки ўғирланган) тақдирда Банк томонидан банк картаси йўқолганлиги ҳақида ёзма мурожаат олингунга қадар, учинчи шахслар томонидан картадан фойдаланиб амалга оширилган барча операциялар учун Карта эгас жавобгардир.

Карта ёрдамида унинг ПИН-кодидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар Карта эгаси томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади ва бу бўйича эътиrozлар кўриб чиқилмайди.

9.3. Банк ўз назорат ташқари бўлган ва тўлов тизимлари, алоқа тизимлари, ҳисобкитоб, маълумотларга ишлов бериш ва узатиш тизимларининг ишида узилишлар бўлиш ҳолатларида юзага келган низоли вазиятлар учун, шунингдек Карта эгасининг, яъни: Карта ва/ёки унинг реквизитлари, ва/ёки ПИН-коди учинчи шахсларга бериш, Картани ПИН-код билан биргаликда сақлаш, ҳамда мазкур Шартноманинг шартларига зид равишда бошқа айбли ҳаракатлари оқибатида юзага келган ҳолатлар учун жавобгар бўлмайди

9.4. Карта эгаси Карта ва ПИН-код, ҳамда бошқа реквизитларни хавфсиз тарзда сақлаш учун масъул ҳисобланади.

9.5. Карта эгалари учинчи шахсларга шахсий маълумотларни учинчи шахсга ошкора этганда, шахсан ўзи маъсул ҳисобланади.

9.6. Томонлар мазкур шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаслик ушбу шартномага қўшилгандан кейин енгид бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муқаррар ҳолатлар натижасида вужудга келган бўлса, жавобгарликдан озод қилинадилар. Бундай ҳолатларга ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий оғатлар ва иш

ташлашлар, давлат ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш имкониятини чекловчи маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари, шу жумладан учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари, шунингдек, ҳалқаро тўлов тизимлари фаолиятини учинчи шахсларнинг айби билан тўхтатиб туриш ёки узилишлар, техник носозликлар (электрэнергияси узатишдаги узилиш, алоқа йўқлиги) натижасида келиб чиқадиган ҳолатлар ва бошқа исталган турдаги Банкнинг оқилона назоратидан ташқарида бўлган вазиятлар киради. Бу турдаги ҳолатларнинг юзага келганлигининг далили бўлиб тегишли ваколатли органлар томонидан берилган сертификатлар хизмат қиласи. Агар Банк ва/ёки Карта эгаси учун мазкур шартларда назарда тутилган мажбуриятни бажара олмаслик ҳолати юзага келган тақдирда Банк ва Карта эгаси бир-бирини уч кунлик муддат ичida енгиб бўлмайдиган куч ҳолати юзага келганлиги ва/ёки тугалланганлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

9.7. Банк Карта эгасининг МКХРга жойлаштирилган маблағларининг бутсақланиши учун жавобгар бўлади ва Карта эгасига мазкур Шартнома, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ХТТ қоидаларига мувофиқ маблағларни қайтариб берилишини кафолатлади.

9.8. Банк учинчи шахслар томонидан кўрсатиладиган агар бундай хизматларни кўрсатиш учун Карта бўлиши зарур бўлган хизматлар ёки уларнинг сифати учун Карта эгаси олдида жавобгар бўлмайди.

9.9. Агар МКХР тўғрисидаги маълумотлар ва/ёки Карта эгаси тўғрисидаги конфиденциал маълумотлар ёки Карта эгаси томонидан амалга оширилган операциялар бошқа шахслар томонидан яширин тарзда эшитиб олинган, ундан фойдаланиш пайтида алоқа каналлари орқали қўлга киритилган ёхуд Карта эгаси маълумотларни сақлаш ва ундан фойдаланиш шартларига амал қилинмаган тақдирда Банк жавобгар ҳисобланмайди.

9.10. Банк интернет, почта ва алоқа тармоқларида банк назоратидан ташқари ҳолатларда узилишлар бўлиши натижасида Карта эгаси Банкдан хабарномани ўз вақтида олмаганлиги ёки умуман олмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Техник носозликлар (электр таъминоти ва алоқа тармоқларининг узилиши/шикарланиши, банкнинг дастурий таъминоти ва маълумотлар базаси носозликлари ва бошқалар) юз бериши натижасида Банк мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Банк мулкий жавобгарликдан озод қилинади.

9.11. Агар савдо нуқтаси, молия муассасаси ёки исталган учинчи шахслар Карта эгасининг Картаси орқали тўловни қабул қилишни рад этган, ёки бирон-бир сабабга кўра муаллифлаштириш (Авторизация) га рад этилган бўлса, бунга Банк жавобгар бўлмайди.

9.12. Мижоз онлайн-дўконлар, масофавий банк хизматлари, мобил тўлов тизим ва хизматлари орқали Карта реквизитлари бўйича операциялар амалга оширилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади; агар Банк картасининг реквизитлари Карта эгаси Банк қоидаларига амал қилмаслиги, мобил телефондан эҳтиётсиз фойдаланиши ёки уни йўқотиб қўйиши натижасида бошқа учинчи шахсларга маълум бўлиб қолса.

## 10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

10.1. Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, ходимлари ёки воситачилари ҳаракатларга таъсир қилиши ёки ушбу шахсларнинг ҳар қандай номақбул имтиёзлар ёки бошқа имтиёзларни олиш учун тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир пул маблағлари ёки қийматларни тўлашга йўл қўймайдилар.

10.2. Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажараётганда, ходимлари ёки воситачилари амалда қонунчиликда пора бериш-олиш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва ҳалқаро хукуқ талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар қилмайдилар.

10.3. Шартнома Карта эгаси Банк ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантириши рад этади, жумладан пул маблағлари, совғалар, бепул ишларни (хизматларни) бажариш ва бошқалар тақиқланади. Шу билан бирга, ходимни маълум бир қарамликка олиб келиши ва бунинг бажарилишини таъминлаш, ходим рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши таъкиқланади.

10.4. Агар бирон-бир томон коррупцияга қарши кураш шартларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб билса, тегишли томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки, шу жумладан, ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.

10.5. Томонлар ушбу Шартномани тузишда, Шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, Шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

## **11. ДАЪВО АРИЗАЛАРИ БЕРИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

11.1. Агар Карта ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда МКХР орқали амалга оширилган тўловлар бўйича савол/низо юзага келганда ёки берилган МКХР бўйича кўчирмадан норози бўлганда Карта эгаси Банкка ёзма мурожаат қилади. Мурожаатда сана, Карта эгасининг фамилияси, исми, паспорт маълумотлари, яаш манзили ва алоқа учун телефон рақами, савол/низонинг мазмуни ва имзоси бўлиши керак. Мурожаатга асослантирувчи хужжатлар (слип, чек, кўчирма ва ҳ.к.) илова қилиниши лозим.

11.2. Агар МКХР бўйича тўлов (транзакция)лар юзасидан норози бўлса, Карта эгаси МКХР бўйича тўлов амалга оширилган санадан бошлаб, 30 (ўттиз) календар куни ичида эътиroz билан мурожаат қилиши мумкин. Агар Карта эгаси МКХР бўйича тўлов амалга оширилган санадан бошлаб, 30 (ўттиз) календар куни ичида эътиroz билан мурожаат қилмаса, Карта эгаси мазкур тўловни тасдиқлаганлиги ва розилигини англатади ва ушбу тўлов бўйича бирон-бир сабабларга кўра низо кўриб чиқилмайди.

11.3. Агар эътиroz МРК бўйича тўловлар билан боғлиқ бўлмаса, Карта эгаси Банк томонидан хизматлар кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ёхуд лозим даражада кўрсатилмаган санадан бошлаб 15 (ўн беш) календарь куни ичида улар билан боғлиқ эътиrozлари юзасидан мурожаат қилиши мумкин.

11.4. Юзага келган барча низолар бўйича Карта эгаси номидан ХТТ тизимлари олдида ҳаракат қилиши учун Банкка мурожаат қилади.

11.5. Юқорида келтирилган муддатлар тугагандан кейин, Банк эътиrozларни қабул қилмайди ва кўриб чиқмайди.

11.6. Банк Карта эгасининг аризасини олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида кўриб чиқади. Текшириш ўтказиш, кўшимча материаллар талаб қилиш ёки аризани кўриб чиқиш учун бошқа чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда уни кўриб чиқиш муддати 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда Карта эгаси хабардор қилинади.

11.7. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида Банк картасидан фойдаланилган тақдирда, Карта эгасининг аризаси, ариза келиб тушган кундан бошлаб 45 (қирқ беш) кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумот ёзма ёки електрон шаклда Карта эгасига юборилади.

11.8. Юзага келадиган барча низолар ушбу шартномага, Банк картасидан фойдаланиш қоидаларига, Банкнинг бошқа ички меъёрий хужжатларига ҳамда ХТТ қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.

11.9. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар, иложи борича, томонлар ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилинади.

11.10. Музокаралар орқали келишувга эришилмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда Карта эгасига

хизмат кўрсатувчи банк филиалининг жойлашган жойдаги Ўзбекистон Республикаси судида ҳал этилади.

## **12. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ТУГАТИШ ВА ЎЗГАРТИРИШИ ШАРТЛАРИ**

12.1. Мазкур шартнома унинг шартларига қўшилиш тўғрисида Ариза берилган санадан бошлаб кучга киради ва ҳар икки томон ташаббуси билан бекор қилингунга қадар амалда бўлади.

12.2. Карта эгаси банкка ёзма ариза юбориб, ушбу шартнома бўйича Карта эгасига берилган барча Карталарни топшириб, тўловларни тўлаш йўли билан мазкур шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

12.3. Банк шартномани ҳақиқатда бекор қилиш санасидан камида 30 календар кун олдина Карта эгасига ёзма хабарнома юбориш орқали мазкур шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳукуқига эга.

12.4. Шартноманинг бекор қилиниши МРКни ёпиш учун асос бўлади ва МРКдаги қолдиқ маблағларнинг қайтарилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) МРК бўйича камаймайдиган минимал қолдиқ суммасидан ортиқ пул маблағлари Карта эгаси шартномани бекор қилиш/МРКни ёпиш тўғрисида Ариза берилган ва Карта қайтарилган кунда хорижий валютада ва/ёки тўлаб бериш санасида амалда бўлган Марказий банк курси бўйича миллий валютада қайтариб берилади;

2) камаймайдиган қолдиқ суммаси Карта банкка қайтарилгандан ва МРКни ёпиш бўйича ариза берилгандан 30 (уттиз) календар куни ўтгандан сўнг Карта эгасига МРК валютасида қайтарилади.

12.5. Шартнома/Тарифларга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар (шу жумладан, банк томонидан шартноманинг янги версиясида тасдиқлаш) банк томонидан мустақил равища амалга оширилади.

12.6. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар кучга кириши учун Банк ахборотни ошкор қилиш тартибига амал қиласди.

12.7. Банк Карта эгасини Шартнома/Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар тўғрисида бундай ўзгартириш ва қўшимчалар кучга киришидан 10 (үн) календар кун олдин дастлаб қуйидаги усувлар орқали маълумотларни ошкор этиш йўли билан хабардор қиласди:

а) бундай маълумотни Банкнинг [fb.uz](http://fb.uz) сайтида жойлаштириш;

б) мижозларга хизмат кўрсатувчи Банкнинг таркибий бўлинмалари стендларида эълонлар жойлаштириш;

в) электрон почта орқали ахборот хабарларини тарқатиш;

г) Карта эгасига бундай маълумот Банк томонидан тарқатилаётганлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усувлар.

12.8. Карта эгасининг ушбу шартнома бўйича операцияларни амалга оширишни давом эттириши унинг мазкур шартнома шартлари ва Тарифлари киритилган ўзгаришларга берган розилигини тасдиқлайди.

12.9. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Карта эгасини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида дастлаб хабардор қилинган кундан бошлаб 10 (үн) календар кундан кейин кучга киради.

12.10. Оммавий нашр этилган маълумотлар билан Карта эгаси таништирилган пайт Карта эгаси учун маълумотлар эркин тарзда кўра олиш имконияти мавжуд бўлган вақт ҳисобланади.

12.11. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур шартномага қўшилган барча шахсларга, шунингдек бундай ўзгартиришга киритилишидан аввал шартномага қўшилган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

12.12. Агарда Банк томонидан Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга рози бўлмаган Карта эгалари бундай ўзгартириш ва

қўшимчалар кучга киришидан олдин, муддатидан аввал шартномани бекор қилишга ҳақли. Карта эгаси Банк томонидан Шартномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан 10 (үн) календар куни ичида Банк филиалига мурожаат қилмаган тақдирда рози эканлигини англатади.

### **13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

13.1. Банк Аризада кўрсатилган манзиллар ва телефон рақамларидан фойдаланган ҳолда почта жўнатмалари (хабарнома билан), телефон хабарлари, Факс хабарларидан фойдаланган ҳолда шартномани бажариш билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида Карта эгасига маълум қиласди. Карта эгаси Банкка МКҲР бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумот, қўчирмаларни, Банк таклифлар, Банк хизматлари тўғрисида ахборот ва реклама хабарларини СМС-хабарномалар юбориш, Карта эгасининг электрон почта манзилига хат юбориш, шунингдек, телефон орқали маълумот тақдим этиш учун ваколат беради.

13.2. Мазкур шартномада назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банк ички меъёрий ҳужжатлари ва ХТТ Қоидаларига мувофиқ ҳал этилади.

### **14. МАНЗИЛ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**Тўлиқ номи:** «Ориент Финанс» Хусусий акциядорлик тижорат банки

**Қисқартирилган номи:** «Ориент Финанс» ХАТБ

**Юридик (почта) манзили:** 100052, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,  
Осиё кўч., 5-уй

**Телефон рақамлар:** (71) 205 55 55; **Контакт марказ рақами:** (71) 200 88 99;  
**МФО** 01071, **СТИР** 207086151, **ОКЭД** 64190